


ТАЪЛИМ НАЗАРИЯСИ. ДИДАКТИКА.



РЕЖА:

1. Дидактика – таълим назарияси хақида умумий тушунча.
2. Таълимнинг мазмуни.
3. Таълим жараёнининг моҳияти, вазифаси.
4. Билиш-таълим жараёнини методологик асосидир.
5. Таълим қонуниятлари ва қоидалари.
6. Таълим усуллари.



Таълим жараёни-

Ўқувчиларнинг ўқиш жараёнида
эгаллаб олиши лозим бўлган
ҳамда тизимга солинган билим,
малака ва кўникмаларнинг аниқ
белгиланган доираси
тушунилади.

Таълимнинг мазмуни-бу

ўқувчиларнинг ўқиш жараёнида
эгаллаб олиши лозим бўлган ҳамда
тизимга солинган билим, малака ва
кўникмаларнинг аниқ белгиланган
доираси тушунилади.

Таълим жараёнининг моҳияти-бу

тарихан тўпланган ижтимоий
билим ва тажрибани ёш
авлодга етказиш, авлодлар
ўртасидаги ўзаро боғлиқликни
маълум тизим орқали амалга
ошириш бўлиб ҳисобланади.

Таълим жараёнининг вазифаси.

Муайян фан ва ҳодисалар объектив дунёни билиш жараёнида ўрганилади ва уларнинг ташқи, ички моҳиятини ўзлаштириш жараёнида омиллар аниқланади. Мушоҳада, тасаввур ва абстракт тафаккурга асосланиб фактлар умумлаштирилади ва илмий хулосалар чиқариш натижасида назариялар, қонунлар ва категориялар яратилади.

“Дидактика” деганда нимани тушунамиз?

“Дидактика” сўзи грекча “Дидаско” сўзидан олинган бўлиб, “Уқитиш, ўргатиш” деган маънони билдиради. Дидактиканинг ўрганиш объекти ўқув жараёни, ўқув жараёнининг ривожланиш қонуниятлари, ўқитиш тамойиллари, методлари ва шакллари дир.

Билиш-таълим жараёнини методологик асослари-

Шарқ мутафаккирларининг таълим тўғрисидаги асарлари

А.Н.Форобий, Абу Али Ибн Сино, А.Р.Беруний, Имом ал Бухорий, ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Б.Нақшбандий, Н.Кубро, Кайковус, Юсуф Хос Ҳожиб, А.Югнакий, М.Қошғарий, М.Беҳбудий, А.Фитрат, А.Авлоний

Педагогика назариясига асос солган чет олимлари

Я.А.Каменский, Ж.Руссонинг ғояларини илгари сурган. У ўзининг “Лингард ва Гертруда”, «Кузатиш алифбоси» асарларида мактабни ташкил қилиш, таълим жараёнида ўқувчиларга меҳнат, жисмоний, ахлоқий тарбия бериш кераклиги таъкидланган. К.Д.Ушинскийнинг “Педагогик антропологиядан тажриба” асари, Н.А.Крупскаянинг «Халқ маорифи ва демократия», А.С.Макаренконинг “Педагогик поэма”, “Болалар тарбияси тўғрисида лекциялар”, «Таълим-тарбия тажрибасидан баъзи хулосалар», В.А.Сухомлинскийнинг “Болаларга жоним фидо”, “Жамоани тарбиялаш методикаси”, “Ёш директор билан суҳбат” асарларининг тарбиявий аҳамияти катта.

Я.А.Коменский тамонидан яратлган асарларида педагогикага оид қарашлар.

- Ян Амонс Коменский «Она мактаби», «Ҳислар воситаси билан идрок қилинадиган нарсаларнинг суратлари» асарларида педагогик фикрларини баён этди. 1632 йилда Коменский «Буюк дидактика» деган катта педагогик асарини яратади. У бу асарида «пан софия идеясини» (пан грекча-бутун, ҳамма, софия-донолик, ақллилик) ҳамма нарсани билиш, ҳамма учун билим бериш демакдир. Мактаб бу муассаса, у ерда «ҳаммани ҳар нарсага ўргатмоқ керак», «Биз ҳамма кишилар учун таълим беришни таъкидлаймиз» деган фикрларни у ўз асарида олға суради.

«Буюк дидактика»

асарида Коменский ўқитиш табиат талабига бўйсунishi керак деган ғояни илгари суради. Боланинг ақлий ва жисмоний ўсиш жараёни табиатдаги ўсиш жараёнига ўхшаган бўлади деб фикрлайди.

Коменскийнинг «буюк дидактика» асарида дидактик принциплар берилиб, дарс жараёнида ўқитувчи қўллаши керак деб ҳисоблайди. Бу принципларга қуйидагиларни киритади: таълимда кўрсатмалилик принципи, онглилик принципи, тизимлилик принципи, изчиллик принципи.

Бу мақсад боланинг туғилганидан то 24 ёшгача амалга ошади, бу давр ичида бола тўрт мактабни ўқиб тугатиши, ҳар бирида 6 йил ўқиши керак, деб ҳисоблайди.

1. Туғилгандан 6 ёшгача – она мактаби. Бу даврда боланинг сезиш органларини ўстиришга, боланинг қабул қилишини, атрофдаги дунё билан таништиришга катта аҳамият беради. Болани меҳнатга ўргатиш, ўз-ўзига хизмат қилишга жалб этиш керак. Она болада ахлоқий тарбиянинг асосларини, тўғрилиқ, ва бошқа хислатларни ривожлантиришга қаратилади. Бу даврни табиатга боғлаб, эрта баҳорга қиёслайди.
2. 6-12 ёшгача халқ мактаби ёки она тили мактаби. Бу даврда ўқувчи эсда сақлаши, сўзлашга ўрганиши, ёзиш, бошланғич мактаб кўникмасини ҳосил қилиши керак бўлиб, бунинг учун геометрия, табиёт фанларини ўрганиши лозим. Бу даврни табиатга боғлаб, ёз фаслига қиёслайди.
3. 12-18 ёшгача – гимназия. Бу ўқув юртининг вазифаси бола тушунчасини, тафаккур қобилиятини ўстиришдан иборат бўлиб, унда классик тиллар, табиёт билимлари, ахлоқ, художўйлик ўқитилиши керак. Бу даврни табиатга боғлаб, кеч кузга қиёслайди.
- 18-24 ёшгача Университет. Академия. Бу ўқув юртлари ўқувчининг иродасини, шахсини бир бутун ўстириши керак. Бу даврни табиатга боғлаб, қиш фаслига қиёслайди.

Я.А.Коменскийнинг синф – дарс системасига асос солиши.


Синф – дарс системаси. Коменский ўқитувчи бутун синф билан жамоа бўлиб иш олиб боришини, яъни синф – дарс тизимида ўқитишни олиб боришни тавсия этади. Коменский синф – дарс тизимини ишлаб чиқди. Дарс вақтида ўтган дарсни такрорлаш, янги мавзунини тушунтириш, мустахкамлаш, уйга вазифа бериш кераклигини кўрсатди. Дарсни режалаштириш ва олиб бориш кераклигини кўрсатди ва кўрсатмалар берди.

Мақтабда ўқув йили ва уни ўқув чоракларига бўлиш, таътиллар берилишини киритди. Ўқув кунини (она тили мақтабида 4 соат, лотин мақтабида 6 соат) белгилаб берди. Ўқувчилар мақтабга бир вақтда қабул қилиниб, ўқиш кузда (сентябрда) бошланиши керак деб ҳисоблади. Бундан ташқари у дарслик қандай бўлиши ҳақида ҳам қимматли фикрларини айтиб ўтди. Дарсликда мавзулар кетма-кет тартибда, расмлар билан бойитилган, содда, болага тушунарли тарзда, мазмунли, оддий бўлиши кераклиги ҳақида фикр юритган.

● Коменский ўз асарларида тарбиянинг мақсадини кўрсатади. Тарбиянинг мақсади кишининг мангулик дунёсига тайёрлашдан иборатдир. Буни уч хил тарбия орқали амалга ошириш мумкин:

- 1. Ахлоқий тарбия.
- 2. Ақлий тарбия.
- 3. Диний тарбия.






Билим олиш икки турга- назария
ва амалиётга бўлинади.





Назария бу-

- Назария хар ҳил шаклларда ифодаланади: аксиома, теорема, қонун, формула, график, рақам ва бошқалар. Назарияда **ҒОЯ** шаклланади.



Амалиёт билимларнинг
ҳақиқийлигини кўрсатувчи
мезондир. Кузатиш, тажриба
ўзгартириш, яратиш – булар
амалиёт шаклларига киради.

Таълимнинг мазмуни бир қатор эҳтиёжларни ҳисобга олиш билан белгиланади:

1. Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг энг зарур эҳтиёжлар, ижтимоий тузимнинг хусусиятлари.
2. Давлатнинг халқ таълими ва муайян турдаги ўқув юрти олдига қўядиган мақсад ва вазифалар.
3. Ўқитиш қоидаларидан келиб чиқадиган ва ўқувчиларнинг имкониятларини (ёш имкониятлари ва бошқалар) эътиборга олувчи дидактик талаблар.

Таълим тамойиллари деб-

Умуминсоний тарбиянинг мақсад ва вазифаларини амалга оширишга қаратилган ўқиш ва ўқитиш жараёнларининг йўналиши талабалар томонидан илмий билимларнинг ўзлаштирилиши, билим ва малака ҳосил қилишнинг асосий қонун ва қоидаларининг йиғиндисига айтилади.

Таълим тамойиллари

1. Таълимнинг илмий бўлиши;
2. Таълим ва тарбиянинг бирлиги;
3. Таълимнинг тизимли ва изчил бўлиши;
4. Таълимда назариянинг амалиёт билан боғлиқ бўлишини таъминлаш;
5. Таълимда онглилик, фаоллик ва мустақилликка эришиш;
6. Таълим жараёнининг кўрсатмали ва кўрғазмали бўлиши;
7. Билимларни пухта ва тизимли ўзлаштириб олиш;
8. Таълим жараёнида шахсий хусусиятларни ҳисобга олиш;
9. Таълимда талабаларнинг ёш хусусиятларини

Таълим усуллари.

Таълим беришда ўқитиш методлари асосий ўринни эгаллайди. Метод-юнонча атама бўлиб, усул, йўл деган маънони англатади, яъни мақсадга эришиш йўлини билдиради.

«Ақли хужум» усулининг асосии

қоидалари:

олға сурилган фикр ва ғоялар танқид остига олинмайди ва баҳоланмайди;

- таклиф қилинаётган фикр ва ғоялар қанчалик фантастик ва антиқа бўлса ҳам, уни баҳолашдан ўзингизни тийинг!
- Танқид қилманг – ҳамма билдирилган фикрлар бир ҳилда бебаҳодир.
- Фикр билдирилаётганда бўлманг!
- Мақсад – фикр ва ғоялар сонини кўпайтириш.
- Қанчалик кўп фикр ва ғоялар билдирилса шунчалик яхши. Янги ва бебаҳо фикр ва ғоянинг пайдо бўлиш эҳтимоли пайдо бўлади.
- Агар фикрлар қайтарилса асабийлашманг ва ҳайрон бўлманг.
- Хаёллар «тўзғишига» ижозат беринг.
- Бу муаммо фақатгина маълум усуллар ёрдамидагина ҳал бўлиши мумкин, деб ўйламанг.
- Фикрлар «хужуми»ни ўтказиш вақти аниқланади ва унга қатъиян риоя қилиниши шарт.
- Берилган саволга қисқача (1-2 сўздан иборат) жавоб берилади.

Методлар (усуллар) ҳар қандай ахборотни (мақсадни) узатиш ва қабул қилиш характериға қараб қуйидаги синфларға ажратилади:

1. Сўз орқали ифодаланадиган метод.
2. Кўрғазмали метод.
3. Амалий метод.

Таълим жараёнида талабаларни ўзлаштиришига кўра қуйидаги методларни ажратиш мумкин:

- Ўқитишнинг маъруза (суҳбат) методи.
- Ўқитишнинг амалий ишлар методи.
- Лаборатория ишлари методи.
- Мустақил ишлар методи.
- Репродуктив-эвристик метод.
- Илмий-тадқиқот методи.
- Ўқитишнинг муаммоли-изланиш методи.
- Ўқитишнинг индуктив ва дидуктив методи.



Дарсга булган талаблар.

- Дарс деб бевосита Ўқитувчининг раҳбарлигида муайян Ўқувчилар гуруҳи билан олиб бориладиган таълим машғулотига айтилади.

Таълимни ташкил қилиш шакллари икки
турда олиб борилмоқда.

1. Синф – дарс шаклида олиб
бориладиган машғулотлар.
2. Амалий ва тажриба ишлари
шаклида олиб бориладиган
машғулотлар.

Синф – дарс шаклида олиб бориладиган машғулот

Ўқитувчининг кундалик ўқув материални тизимли баён қилиб беришни, хилма-хил усуллардан фойдаланишини, Ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини изчиллик билан ҳисобга олиб боришни, Ўқувчиларни мустақил ишлашга ўргатишни ўз ичига олади.

Амалий ва таржиба ишлари шаклида олиб
бориладиган машғулотлар

Синф шароитидан ташқарида,
ўқув устахонаси, тажриба ер
участкалари ва фермер
хўжалиги экин майдонларида
ишлаш, экскурсиялар ўтказиш
йўли билан олиб борилади.

Дарсга қўйиладиган умумий дидактик талаблар:

1. Ҳар бир дарс маълум бир мақсадни амалга оширишга қаратилган ва пухта режалаштирилган бўлмоғи лозим.
2. Ҳар бир дарс мустақам ғоявий - сиёсий йўналишга эга бўлмоғи лозим.
3. Ҳар бир дарс турмуш билан, амалиёт билан боғланган бўлмоғи лозим.
4. Ҳар бир дарс хилма-хил усул, услуб ва воситалардан унумли фойдаланган ҳолда олиб борилмоғи лозим.
5. Дарсга ажратилган ҳар бир соат ва дақиқаларни тежаб, ундан унумли фойдаланмоқ лозим.
6. Дарсда уқув материалларининг мазмунига оид кўрсатмали қуроллар, техника воситалари ва компьютерлардан фойдаланиш имкониятини яратмоқ лозим.
7. Дарс машғулоти бутун синф билан ёппасига олиб бориш билан ҳар қайси Уқувчининг индивидуал хусусиятлари, уларнинг мустақиллигини ошириш ҳисобга олинади.
8. Ҳар бир дарсда мавзунинг характеридан келиб чиқиб, халқимизнинг бой педагогик меросига мурожаат қилиш ва ундан фойдаланмоқ имкониятини изламоқ лозим.

Таълим тизимида энг кўп қўлланиладиган дарс турлари қуйидагилардир:

1. Янги билимларни баён қилиш дарси.
2. Ўтилган материалларни мустаҳкамлаш дарси.
3. Ўқувчиларнинг билим, малака ва кўникмаларини текшириш ва баҳолаш дарси.
4. Такрорий – умумлаштирувчи ва кириш дарслари.
5. Аралаш дарс (юқоридаги дарс турларининг бир нечтасини бирга қўлланиш).